



## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев қишлоқ хўжалигини махсус техника билан таъминлаш ҳамда соҳага рақамли технологияларни кенг жорий этиш юзасидан тақдимот билан танишди.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида механизация даражаси 81 фоизни ташкил этмоқда. Жумладан, сўнгги йилларда 1 минг 756 та пахта териш машинаси харид қилинди ва пахта теримининг механизация даражаси 52 фоизга етди. Утган мавсумда 2,1 миллион тонна пахта машина ёрдамида йиғиб олинган. Бунинг ҳисобига кейинги беш йилда қўл меҳнати 1,8 баробар қисқарди.

Навбатдаги вазифа — пахтани машинада териш улушини камида 70 фоизга етказиш. Бунинг учун 2026 йилда 800 та пахта териш машинаси, шунингдек, 6 мингта сеялка, трактор ва комбайн харид қилиниши режалаштирилган. Умуман, йил давомида 10 мингта янги техникалар харид қилиниб, қишлоқ хўжалиги техникалари парки 292 мингтага етказилиши кўзда тутилган.

Янги техникаларни фермерларга қулай шартларда лизингга бериш мақсадида халқаро молия институтларидан 400 миллион доллар жалб қилинади. Техникалар миллий валютада 2 йиллик имтиёзли давр

билан 10 йилга 18 фоиз ставкада берилиб, кредит ставкасининг 8 фоизи бюджет ҳисобидан қоплаб берилади.

Тақдимотда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни кенгайтириш устувор вазифа экани таъкидланди.

2026 — 2028 йилларда маҳаллий ишлаб чиқариладиган техника ва агрегатлар ҳажмини 5 баробарга, маҳаллийлаштириш даражасини қўшимча 10 фоизга ошириш муҳим экани кўрсатиб ўтилди. Хусусан, 2026 йилда ишлаб чиқариш 6 минг донагача етказилиши, 2028 йилга қадар маҳаллийлаштириш кўрсаткичи ўз юрар техникада 30 — 35 фоизга, олма ва тиркамали техникада 60 — 65 фоизга чиқарилиши режалаштирилган.

Техника ва агрегатларни сотиб олишда субсидиялашнинг амалдаги тизимини маҳаллийлаштириш даражаси 25 фоиздан юқори бўлган техникага татбиқ этилмоқда. Тақдимотда талаб юқори бўлган 3 турдаги импорт техника бўйича ҳам субсидия

ахратилиши йўлга қўйиш тақлиф қилинди. Умуман, жорий йилда техника қийматининг 15 фоизини қоплаш учун 660 миллиард сўм субсидия йўналтирилиши кўзда тутилган.

Тақдимотда Тошкент трактор заводи фаолиятини соғломлаштириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ҳам кўриб чиқилди.

Соҳада замонавий банк хизматларини йўлга қўйиш, рақамли технологиялар ва сунъий интеллектга асосланган ечимларни жорий қилиш борасидаги ишлар ҳам тақдимот қилинди.

2025 йилда “Агробанк” АТБ томонидан қишлоқ хўжалиги техникаси учун 1,6 триллион сўмлик кредитлар ажратилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 3,9 триллион сўмга етказиш кўзда тутилган. Кредитлаш жараёнини автоматлаштириш натижасида кредит ажратиш муддати 3 кундан 3 соатгача қисқариши кутилмоқда.

Бундан ташқари, миқозларга комплекс қишлоқ хўжалиги хизматлари кўрсатилади. Бунда ҳар бир ҳудудда биттадан аг-

рохизмат зоналари ташкил этилади ва уларда қишлоқ хўжалиги агенти фаолият юротилади. Ушбу зоналарда фермерлар бир жойнинг ўзида банк, консалтинг, мониторинг, тупроқ таҳлили, кўчат етказиб бериш хизматлари, агроном маслаҳатидан фойдаланишлари, ўқув курслари ҳақида маълумот олишлари мумкин бўлади.

Банкинг чорвачилик ва мевачиликда, сув сарфини “ақлли” бошқаришда сунъий интеллектдан фойдаланиш бўйича пилот лойиҳаларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалигида стартапларни молиялаштириш мақсадида устав капитални 100 миллиард сўмлик янги венчур компаниясини таъсис этиш борасидаги режалари ҳам кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари тақлифларни маълумлаш, қишлоқ хўжалигида механизация даражасини янада ошириш, маҳаллий ишлаб чиқариш ва сервисни ривожлантириш, рақамли платформалар орқали мониторинг ва молиявий хизматларни яхшилаш юзасидан мутасаддиларга бир қатор кўрсатмалар берди.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МАСЛАҲАТЧИ СУМА ЧАКРАБАРТИ БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 февраль кuni иқтисодий тараққиёт, самарали бошқарув ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчи Сума Чакрабартини қабул қилди.

Маслаҳатчининг “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишини қўллаб-қувватлашга қаратилган фаолиятининг асосий йўналишлари муҳокама қилинди.

Хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, умумтаълим муассасалари салоҳияти ва инвесторлар билан стратегик коммуникацияни ривожлантириш масалалари алоҳида эътибор қаратилди.

Иқтисодий ислохотлар, давлат бошқаруви, таълим соҳаларидаги илғор халқаро тажриба ва стратегик режалаштириш амалиётини изчил жорий этиш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, халқаро майдонда мамлакатимиз инвестиция салоҳиятини тарғиб қилишни янада кенгайтириш масаласига тўхталиб ўтилди.

## НЕФТЬ ВА ГАЗ ТАРМОҒИГА ДОИР ТОПШИРИҚЛАР 23 ФЕВРАЛДА БОРИШИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича берилган топшириқлар ижроси билан танишди.

Жорий йил 30 январь кuni бўлиб ўтган тақдимотда компания фаолиятида операция самарадорлигини ошириш ва молиявий барқарорликни таъминлаш, геология-қидирув ишларини кенгайтириш, углеводород захираларини кўпайтириш бўйича қатор вазифалар белгиланган берилган эди.

Бугун давлатимиз раҳбари бу борадаги ишларнинг бориши ҳақидаги ахборот билан танишди.

Авалло, компания фаолиятида харажатларни мақбуллаштириш бўйича қўрилётган чоралар ҳақида маълумот берилди. Жумладан, марказий аппаратнинг ташкилий тузилиши қайта кўриб чиқилиб, оптималлаштирилмоқда. Ишлаб чиқариш хизматлари, товар ва материаллар нархлари ҳамда пудрат ишлари бўйича нархларни қайта кўриб чиқиш, кредит портфелини тартибга солиш бошланди. Соҳага оид бўлмаган активлар тасарруфдан чиқарилмоқда.

Шу билан бирга, дебитор қарздорликни қисқартириш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилгани қайд этилди. Геология-қидирув ишларини кенгайтириш ва углеводород захираларини кўпайтириш бўйича олиб борилаётган ишларга ҳам тўхталиб ўтилди. Жумладан, 2026-2027 йилларда қатор ҳудудларда янги майдонларда қидирув ишларини кўпайтириш, “3D” сейсмик-қидирув ҳажмларини кенгайтириш ҳамда кудуқларни қурилиш билан яқунлаш режалари белгилангани айтилди. Шунингдек, жорий йил январь-февраль ойларида иккита янги газ конденсат кони очилгани ҳақида маълумот берилди.

Компанияни стратегик ривожлантириш доирасида форензик аудит ўтказиш, харидлар жараёнини такомиллаштириш, “ESG” тамойилларини жорий этиш ҳамда ҳисоб-ботларни халқаро стандартлар асосида тайёрлаш ишлари тезлаштирилди.

Давлатимиз раҳбари белгиланган вазифалар ва режалаштирилган барча тадбирлар ижросини аниқ ҳисоб-китоб, қатъий интизом ҳамда шахсий жавобгарлик асосида таъминлашни давом эттириш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

Ў.А.

## ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИДА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Президент Шавкат Мирзиёев йирик энергетика лойиҳаларини амалга ошириш, энергия тизими барқарорлигини таъминлаш ва энергия самарадорлигини ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Танқидий таҳлил руҳида ўтган йиғилишда қайд этилганидек, мамлакатимизда электр энергияси бўйича жами генерация қувватлари 25,8 минг мегаваттга етди. Шундан қўйиб, шамол ва гидроэнергетика 8 минг мегаватт, яъни умумий ҳажмининг 31 фоизини ташкил этмоқда. 2026 йилда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини 90 миллиард киловатт-соатга етказиш режалаштирилган бўлиб, бу 2020 йилдагига нисбатан 40 фоиз ўсиш демакдир.

Жорий йилда иқтисодий ўсиш ҳамда тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажмларининг ошиши ҳисобига электр истеъмоли яна 1 миллиард киловатт-соатга ортиши кутилмоқда. Шу муносабат билан аҳоли ва иқтисодиёт эҳтиёжларига мос равишда энергия ресурсларини узлуксиз етказиб бериш, тармоқларни янгилаш, инвестицияларни кўпайтириб, йирик лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш биринчи навбатдаги вазифа сифатида белгиланди.

Бугунги кун ҳолатига кўра, ёқилғи-энергетика мажмуидаги инвестиция портфели 133 та лойиҳани қамраб олган бўлиб, умумий қиймати 51,4 миллиард

долларни ташкил этмоқда. Шундан 43 миллиард долларлик компонент улуши 737 миллион долларни ташкил этган бўлса, 2026 йилда бу кўрсаткични 1 миллиард доллардан ошириш мақсад қилинган.

Жумладан, ўтган йили трансформатор ишлаб чиқариш заводи ишга тушди. Жорий йилда янги турдаги кабель ва муфта-ларни, шамол электр станциялари миноралари ва паракларини маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган.

Электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳажми ортаётган шароитда уни истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб бериш масаласи долзарб экани, лекин қўшимча юқори кучлиниши магистраль тармоқлари қурилмаса, генерация қувватларининг истеъмол ҳажмидан ошиб кетиши хаффи мавжудлиги кўрсатиб ўтилди. Утган йили электр тармоқларини ривожлантиришга ажратилган маблағларни ўзлаштириш суръати етарли эмаслиги қайд этилди.

Шу муносабат билан яқин йилларда жами 602 километр узунликдаги “Толимаржон — Сўғдий-

на”, “Сирдарё — Халқа” ва “Қоракўл — Нуробод” линияларини, 2030 йилга қадар “Янги Ангрен — Наманган” тармоғи ҳамда “Наманган” нимстанциясини қуриш режалари ҳақида ахборот берилди. Тошкент шаҳрида 75 километр юқори кучлиниши тармоқлар ва 5 та нимстанция қуриш, 69 километр тармоқ ҳамда 18 та нимстанцияни модернизация қилиш, 638 километр паст кучлиниши тармоқлар ва 161 та трансформатор шохобчаларини модернизация қилиш топширилди.

Кўшни давлатлар билан энергетика тизимларини интеграция қилиш ҳисобида водий виллоятларда электр таъминотини яхшилаш режалари ҳам муҳокама қилинди. “Сурхон — Пули-Хумри” юқори кучлиниши тармоғи ва унинг нимстанциялари қурилишини жадаллаштириш вазифаси қўйилди.

Энергия самарадорлиги бора-бора ҳали кўп ишлар қилиниши шартлиги қайд этилди.

Соҳа ва тармоқларда 2026 йилда 4 миллиард 378 миллион киловатт-соат электр энергияси, 2 миллиард 840 миллион кубометр табиий газ тежаш учун тизимли ва манзилли чоралар

кўриш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Йирик корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгартирмасдан энергия сарфини камида 10 фоизга камайтириш, тармоқлар ва ижтимоий объектларда энергия самарадорлигини ошириш учун 200 миллион доллар ресурс жалб этиш чоралари белгиланди.

Мутасаддиларга Республика ҳудудларида иссиқлик ва когенерация марказларини қуриш дастурини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш вазифаси топширилди. Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида биттадан когенерация марказини ташкил этиш ишлари давом эттирилади. Юнособод тажрибаси асосида ҳудудларда 7 та когенерация маркази қурилади. Иссиқлик станциялари куз-қиш мавсумида барқарор ишлашни таъминлаш мақсадида улар учун суюлтирилган газни сақлаш инфратузилмасини барпо этиш масаласини ўрганиб, тақлифлар киритиш топширилди.

Йиғилиш якунида Президентимиз стратегик лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш, магистраль ва тақсимловчи тармоқларни жадал ривожлантириш, энергия самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча топшириқлар берди.

### Хушxabар

## ЎЗБЕКИСТОНЛИК ОЛИМЛАР — NASA МУКОФОТИ СОВРИНОРЛАРИ

Ўзбекистон Фанлар академияси Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия институти олимлари — Галактика астрономияси лабораторияси мудири Отабек Бурҳонов ва катта илмий ходим Камолитдин Эргашев NASA томонидан “Group Achievement Award” мукофоти билан тақдирланди. Мукофот “Double Asteroid Redirection Test” (DART) халқаро космик миссияси доирасида амалга оширилган тарихий илмий натижа учун берилди.

“DART” миссияси — инсоният тарихида биринчи марта астероид орбитасини таъсирли равишда ўзгартиришга қаратилган сайёравий химоя тажрибаси. Миссия 2022 йил 26 сентябрь кuni кичик астероид тизими — “Didymos” астероидининг йўлдоши “Dimorphos”га кинетик зарба бериш, яъни космик кема билан тўқнаштириш орқали амалга оширилди. Зарба натижасида йўлдошнинг “Didymos” атрофидаги орбитал даври ўзгарди. Энг муҳим жиҳат шундаки, ушбу ўзгариш Ер ва космик телескоплар ёрдамида аниқ ўзгариш билан таъминланди. Бу инсоният та-



риҳида биринчи марта сунъий равишда астероид орбитасини ўзгартириш ва унинг натижасини экспериментал тарзда тасдиқлаш бўлди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Астрономия институти олимлари “DART” мис-

сиясининг ердан кузатувлар бўйича ишчи гуруҳи таркибиде “Майданак” обсерваторияси телескоплари билан фаол иштирок этди. Жамоанинг асосий вазифаси — зарбадан олдинги ва кейинги фотометрик кузатувлар асосида астероид тизимининг орбитал давридаги ўзгаришни аниқлаш ҳамда аниқлик билан ҳисоблашдан иборат. Айна шу ўлчов натижалари “DART” тажрибасининг муваффақиятли амалга оширилганини илмий жиҳатдан тасдиқлади. Ушбу муваффақият учун Ўзбекистонлик олимлар NASA томонидан юксак мукофот билан тақдирланди. Бу мукофот халқаро космик агентлигининг юқори эътироби белгиси ҳисобланади.

Мазкур илмий ютуқ нафақат олимларимиз, балки мамлакатимиз илм-фани учун ҳам катта шарафдир.

«Халқ сўзи».

## ШОВҚИН ИЧИДАГИ ДАЪВАТКОР ОВОЗ

Янги Ўзбекистон — бу давримиз шиддатининг инъикоси. Жамият, одамлар, бутун мамлакат шундоқгина кўз ўнгимизда янгигина қиёфа касб этмоқда. Сиясат, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, давлат бошқаруви тизимини қамраб олган ислохотлар шунчалик жадаллашиб кетдики, уларнинг қўламини ва теранлигини англаб олиш доим ҳам осон эмас. Миллий иқтисодиётнинг барқарор динамикаси, ижтимоий кўмак механизмиларининг такомиллашуви, бизнес, таълим ва фан ривожини учун яратилаётган янгидан-янги имкониятлар — буларнинг барчаси кундалик ҳаётимиздаги воқеликлар.

### ■ Нигоҳ

Шу аснода мамлакатимизнинг халқаро майдондаги оёруси ҳам ортиб бормоқда. Ўзбекистонда бирор-бир муҳим халқаро тадбир — уқтисодий анжуман бўладими, юқори даражадаги минтақавий учрашув ёки глобал конференциями — ўтказилиши ҳақида хабар эълон қилинса, бунга бугун ҳеч ким ҳайрон бўлмайди. Жонажон Ўзбекистонимиз замонавий дунёнинг энг долзарб масалалари кўриб чиқиладиган марказга айлангани давлатимизнинг очкилиги рами, унинг тараққиёт йўлидан дадил бораётгани тасдиқдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг пухта ўйланган, мувозанатли ташқи сиёсати туфайли мамлақати-

миз минтақалар ва қитъаларнинг тақдирини муҳокама қилинадиган энг асосий давраларда ҳозир бўлмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ўтган ҳафтада АҚШга амалий ташрифи ҳамда Тинчлик кенгашининг биринчи йиғилишида иштирок этиши бунинг яққол тасдиғи. Етақчимизнинг кенгаш йиғилишида нутқ сўзлаши ҳамда АҚШ ҳукумати, йирик компаниялари ва молия институтларининг юқори даражаси вакиллари билан ўтказган мулоқотлари аҳамияти ҳамда бу воқеалар жаҳон оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилгани алоҳида катта мавзу. Уруғламоқчи бўлганимиз — Ўзбекистоннинг долзарб халқаро масалаларини ҳал қилишдаги роли тобора ошиб бормоқда ва бу турли расмий доиралар вакиллари, нуфузли халқаро

ташкilotлар, экспертлар ҳамжамияти ва дунё оммавий ахборот воситалари томонидан юксак эътироф этилмоқда. Ўзбекистон юқори минбарлардан туриб ўз позициясини ифода қилаётган ва муҳими, унинг овозини эшитишмоқда, фикрига қўшилишмоқда.

Бошқа йўналишлар қатори медиа соҳасида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кейинги тўққиз йилда сўз эркинлиги асослари мустаҳкамланди, ахборот макони кенгайди, тахририятларнинг масъулияти ва мустақиллиги ортди. Бундай шароитда, давлатимиз раҳбари бир неча бор таъкидлаганидек, ОАВ жамиятда кечаётган жараёнларнинг фаол иштирокчиси бўлиши, фуқароларни ўйлантираётган масалалар-

### Шаффоф ахборот макони

Мамлакатимизда ва хорижда эътироф этилганидек, сўнгги йиллардаги муҳим ютуқлардан бири — жамиятнинг ёпиқлигини енгиб ўтиш, давлат органларининг фуқаролар олдида ҳисобдорлиги сари йўл тутиш бўлди. Шаффоф ахборот макони ислохотлар учун мустаҳкам таянчлардан бирига айланди. Ва бу координаталар тизимида оммавий ахборот воситаларининг роли беқийсдир. Ахир айнан улар воқеа-хадисалар ва ўзгаришлар динамикасини ақс эттириш, жамиятда мулоқот сифатини, етуқлигини таъминлашга масъул.

3

Анжуман

САЙЛОВ ВА РЕФЕРЕНДУМЛАРДА ХАЛҚАРО КУЗАТУВНИНГ АҲАМИЯТИ

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси Абдулҳаким Эшмуратов Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида МДХ Парламентларо Ассамблеяси томонидан ташкил этилган "Сайлов ва референдум институтига ишончи ошириш: халқаро кузатувнинг ўрни" мавзусидаги халқаро конференцияда қатнашди.

Тадбирда сайловлар ва референдумларни халқаро кузатиш фаолиятини такомиллаштириш, ёшларнинг электорал маданиятини шакллантириш, сайлов жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, сунъий интеллект ва унинг сайлов босқичларида қўлланилиши, комплекс ёндашув ва қонунчилик билан сайлов жараёнини тартибга солиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Анжуман доирасида сенатор сайлов комиссияларининг мустақиллиги, сиёсий партиялар учун тенг шарт-шароит яратилиши, фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш

ҳуқуқларининг амалдаги кафолатлари, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, барча жараённинг очиклиги ва шафқатлиги каби миллий сайлов тизимининг муҳим жиҳатларини таъкидлаб ўтди.

Конференцияда иштирокчилар сунъий йилларда Ўзбекистонда сайлов ва референдумлар ўтказишининг ижобий амалиётини алоҳида ургулашди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Республикасида сайлов ташкил этиш ва ўтказишга оид қонунлар ҳамда китоблар кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

Тадбир

«АГРО-ЗАМИН ЮЛДУЗЛАРИ»

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасалари талаба қизлари ўртасида ташкил этилган "Агро-Замин юлдузлари" кўрик-танловининг 2026 йилги университет босқичи Тошкент давлат аграр университетиде уюштирилди.

Мазкур танловни ўтказишдан асосий мақсад — жамият ҳаётида фаол иштирок этаётган, билимли, ташаббускор ва креатив фикрлайдиган ёшларни рағбатлантириш ҳамда соҳада етакчи мутахассис сифатида шакллантиришдан иборат.

Шунингдек, танлов глобал иқлим ўзгариши шароитида қишлоқ ҳўжалигида қўлланилаётган илгор технологиялар бўйича билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш, талабаларнинг амалий ва назарий салоҳиятини ошириш ҳамда инновацион ёндашувларни амалиётда қўллашга ҳам хизмат қилади.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари Сайёра Абдикаримова, Малика Қодирхонова

ҳам иштирок этиб, талаба қизларнинг ўз йўналишларида билим ва малакаларини кўздан кечирди.

Танлов доирасида қатнашчиларнинг билимлари, амалий ва инновацион лойиҳалари, "яшил" иқтисодиёт тамойиллари, сув ресурсларини тежаш, замонавий агротехнологияларни жорий этиш ва иқлим ўзгариши шароитида самарали бошқарув механизмларини ишлаб чиқиш бўйича тақлифлари баҳоланди.

Университет босқичида голиб топилган талаба танловнинг республика даражасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТИНЧЛИКПАРВАР ДАВЛАТ СИФАТИДАГИ НУФУЗИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Бугунги дунё сиёсати кескин ўзгаришлар, зиддиятлар ва хавф-хатарлар кучайиб бораётган мураккаб даврни бошдан кечирмоқда. Геосиёсий рақобатнинг авж олиши, минтақавий можароларнинг чуқурлашуви, ишонч инқирози ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларига нисбатан турли ёндашувлар глобал хавфсизлик тизимини жиддий синовдан ўтказмоқда. Ана шундай шароитда тинчликни сақлаш, низоларни сиёсий ва дипломатик йўлар орқали ҳал этиш масаласи жаҳон ҳамжамияти учун устувор вазифага айланмоқда.

Муносабат

Шу нуктаи назардан, 21-22 январь кунлари Швейцариянинг Давос шаҳрида ўтказилган Тинчлик кенгаши низоми имзоланган маросими халқаро кун тартибидеги долзарб воқеалардан бири сифатида намоён бўлди. Ўзбекистоннинг мазкур кенгаши таъсис қилинган давлат сифатида тақлиф этилиши мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ва сиёсий салмоғи ортиб бораётганини яққол тасдиқлади.

АҚШнинг Вашингтон шаҳрига амалий ташриф эса ана шу Давосда бошланган ташаббуснинг мантиқий давоми бўлди. Давлатимиз раҳбари Тинчлик кенгашининг дастлабки йиғилишида нутқ сўзлаб, Ҳазо секторини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қайта тиклаш ва минтақада барқарорликни таъминлаш бўйича ўз қарашларини илгартириб, бу ташаббус Ўзбекистоннинг халқаро майдонда фаол, масъулиятли ва тинчликпарвар давлат сифатидаги нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Зеро, мамлакатимиз нафақат минтақавий, балки глобал миқёсдаги муаммоларга беварққ эмаслигини, уларга мулоқот ва ҳамкорлик орқали ечим топиш тарафдори эканини амалий тақлифлар билан намоён этмоқда. Ҳазо секторини ижтимоий-иқтисодий тиклаш масаласида билдирилган позиция Ўзбекистоннинг инсонпарварлик тамойилларига содиқлигини, барқарорлик ва тарақ-



қиётни таъминлашни устувор вазифа сифатида қўришни тасдиқлайди. Бу эса мамлакатимизни халқаро муносабатларда ишончли, конструктив ва ташаббускор шеърлик сифатида янада мустаҳкам позицияга олиб чиқади.

Ташрифнинг иқтисодий жиҳати ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Ташриф доирасида Юртбошимиз АҚШ савдо вазири, савдо вакили, Эксимбанк раҳбарияти ҳамда Халқаро молиявий тараққиёт корпорацияси бош ижро-директори билан атрофича, ва мазмунли учрашувлар ўтказиб, икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган устувор масалаларни муҳокама қилди. Мулоқотлар чоғида ўзаро савдо ҳажмининг ошириш, инвестициявий алоқаларни фаоллаштириш, стратегик лойиҳаларни қўшма молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш, саноат, энергетика, инфратузилма ва юқори технологиялар соҳаларида янги ташаббусларни илгартириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Айнан шу музокаралар натижасида АҚШ молия институтлари ва йирик компаниялари билан ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича аниқ йўналишлар белгилаб олинди. Бу эса



Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш, юқори қўшимча қиймат яратадиган ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, илгор технологияларни қўллаш ва экспорт географиясини кенгайтиришга хизмат қилади.

Давос ва Вашингтон ташрифлари ўзаро боғлиқ стратегик жараён эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Давос майдонида Ўзбекистон глобал хавфсизлик ва барқарорлик масалаларида фаол позициясини намоён этган бўлса, Вашингтондаги амалий мулоқотлар ушбу сиёсий ташаббусларни иқтисодий мазмун билан бойитди. Биринчи — қуролли можароларга сиёсий ва дипломатик йўлар билан ечим топишга қаратилган тинчлик стратегияси, иккинчисида эса, мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш, инвестицияларни жалб этиш ва юқори технологияларга асосланган тараққиёт моделини шакллантиришга қаратилган аниқ иқтисодий қадамлар. Бу икки йўналиш ўзаро йўғун ҳолда миллий манфаатлар ҳимояси ҳамда барқарор ривожланишни таъминлаш ва Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги позициясини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Муҳими шундаки, Ўзбекистон бу жараёнларда ҳеч қандай ҳарбий блокарга қўшилмасдан, ўз мустақил ва мувозанатли ташқи сиёсий йўлини сақлаб қолмоқда. Мамлакатимиз

глобал масалаларда бир томонлама эмас, балки конструктив мулоқот ва ўзаро манфаат тамойилига таянган ҳолда иштирок этмоқда. Бу эса ташқи сиёсатдаги прагматизм, очиклик ва миллий манфаатлар уйғунлигининг яққол намунаси сифатида намоён бўлади. Ўзбекистон халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, ишонч муҳитини мустаҳкамлаш ва барқарорликка ҳисса қўиш йўлидан изчил бормоқда. Бу ёндашув мамлакатнинг дипломатик салоҳияти ва сиёсий таъсир доирасини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Вашингтонга амалий ташриф Давосда бошланган тинчлик ташаббусининг изчил давоми сифатида Ўзбекистон ташқи сиёсатини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди. Бир томондан, мамлакатимиз глобал тинчлик ва барқарорлик масалаларида фаол ташаббускор сифатида намоён бўлмоқда, иккинчи томондан эса стратегик шериклар билан иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш орқали ички тараққиётни таъминлашга эришилляпти.

Энг муҳими, бу сиёсат қисқа муддатли фойда эмас, балки узоқ истиқболда барқарорлик, тараққиёт ҳамда хавфсизликни таъминлашга қаратилган онгли ва масъулиятли танловдир. Шу маънода, Ўзбекистон танлаган ташқи сиёсат йўли — очик мулоқот, ўзаро ишонч ва амалий ҳамкорликка асосланган тинчлик стратегияси мамлакат манфаатларига тўла мос келади ҳамда унинг халқаро майдондаги роли ва таъсирини янада кенгайтиради.

Одилжон МАМАТКАРИМОВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хоржий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси раиси ўринбосари.

Сиёсий партиялар фракцияларида

ҚИЗГИН МУНОЗАРАЛАР, МУҲИМ ТАҚЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қўйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилган масалалар — "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини "Атроф-муҳитни асраш ва яшил" иқтисодиёт йилида амалга оширишга оид давлат дастурининг 2025 йилда бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (Болалар омбудсмани)нинг 2025 йилдаги бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка давлат органлари, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан риоя этилиши ҳолати ҳақидаги маърузаси кўриб чиқилди. Шунингдек, қатор қонун лойиҳалари атрофича муҳокама қилинди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида депутатлар давлат дастурининг барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўналишида амалга оширилган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратди.

Ҳазон миқёсида ишлаб чиқариш ва транспорт-логистика занжирлари узилган, хомашё ва молиявий ресурслар нархи ошган шароитда ҳам мамлакатимиз иқтисодиёти ишончли ва барқарор ўсишда давом этиб, макроиқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилгани алоҳида айтилди.

Депутатлар Давлат бюджети даромадларининг сезиларли ўсиши, ижтимоий соҳаларга йўналтирилган харажатларнинг оширилиши таълим, соғлиқни сақлаш ва сув ҳўжалиги каби муҳим тармоқларни изчил қўллаб-қувватлашга хизмат қилганини қўйиб айтишди.

— Инвестиция ва молиявий фаоллик иқтисодиётнинг барча соҳаларида ўсиш драйверига айланди, — дейди фракция аъзоси Отабек Мусурмонов. — Хоржий инвестициялар ҳажмининг кескин кўпайиши, йирик лойиҳаларни ишга тушириш ва қўллаб иш ўринларининг яратилиши саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва хизматлар соҳаларида юқори суръатларни таъминлади. Кичик ва ўрта тадбиркорликка ажратилган кредитлар ҳажмининг ошиши эса иқтисодий фаолликни жойларда кенгайтиришга хизмат қилаётир.

Фракция йиғилишида Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (Болалар омбудсмани)нинг маърузаси ҳам кўриб чиқилди. Маърузага кўра, вакилга болалар томонидан 42 та муурожаат йўланган бўлиб, бу жами муурожаатларнинг 2,17 фоизини ташкил этган. 2025 йилда Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг 35 та шахсий қабулида 141 фуқаронинг муурожаати кўриб чиқилган. Шунингдек, ўтган даврда боланинг моддий таъминоти юзасидан жами 403 млн. 745 минг сўмлик алимент қардорлигини ундиришга кўмаклашилди, 52 нафар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум болага давлат божи ва бошқа тўловларсиз ID-карталар расмийлаштирилишига амалий ёрдам кўрсатилган.

Фракция аъзолари вакилнинг 2025 йилда давлат органларининг бола ҳуқуқлари оид қонунчиликка риоя этиш ҳолати бўйича маърузаси ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, фаолият самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар беришди.

Мунозаралардан сўнг кўриб чиқилган ҳар иккала масала ҳам депутат-

лар томонидан қўллаб-қувватланди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси йиғилишида Ҳуқумат ҳисоботи партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда муҳокама қилинди. Қайд этилганидек, таълим қамровини ошириш ва уларда қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсадида 135 та янги давлат мактабгача таълим ташкилоти фаолияти йўлга қўйилган. Қамров даражаси эса 78 фоизга етказилган. Хоржий тиллар, замонавий касблар ва китобхонлик лойиҳаларига 7,8 млн. нафар ёш жалб этилиб, халқаро имтиҳон топшириш харажатлари компенсацияси бўйича 17,3 минг ёшга 38,7 млрд. сўм ажратилган.

Ҳуқумат вакилининг батафсил маълумотларидан сўнг депутатлар ўзларини қизиқтирган саволларни ўртага ташлади. Жумладан, депутат Азамат Пардаев "Миллий тикланиш" ДП фракцияси ташаббуси билан "Тирик тарих" туркумидаги фильмларни ишлаб чиқиш учун 2025 йилги Давлат бюджетидан 40 млрд. сўм қўшимча маблағ ажратилганини таъкидлаб, ҳисобот йилида бу борада белгиланган вазифалар ижроси



қай даражада бажарилгани билан қизиқди. Депутат Умида Раҳмонова эса қонунчиликда ўқитувчиларни таълимдан бошқа ишларга жалб этмаслик бўйича қатъий чекловлар қўйилган бўлишига қарамай кейинги пайтларда бунга амал қилмаётганини бўйича аниқ мисолларни келтириб ўтди. Шунингдек, дарсликлар ҳамон ўз вақтида етказилмаётгани, мактаб таъмири билан боғлиқ масалалар ҳам кўтарилди.

Йиғилишида депутатлар томонидан берилган барча саволларга тегишли вазирликлардан жавоблар олинди.

Олий Мажлиснинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани)нинг 2025 йилдаги фаолиятига оид маъруза ҳам кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда болалар манфаатларини ҳар жиҳатдан ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналиши ҳисобланади. Шу боис бола ҳуқуқлари, унинг қадрият сифатида тан олинishi бўйича мулоқо янги ижтимоий нормаларни шакллантириш йўлида жиддий чоралар кўриляпти. Бунинг сўнги йилларда ушбу йўналишида қонунчилик базаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган кенг қўламли ишлар бажарилганида ҳам кўриш мумкин.

Энг муҳими, давлатимиз раҳбарининг бола тарбияси масаласига алоҳида эътибори ва бу йўлдаги қатъий сиёсий иродаси туфайли соҳада кенг қўламли ҳуқуқий ва институционал янгиланишлар амалга оширилди. Эришилган ютуқлар нафақат миллий даражада, балки жаҳон миқёсида халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Йиғилишида депутатлар Болалар омбудсманининг 2025 йилдаги фаолияти ҳамда давлат органларининг бола ҳуқуқларига оид қонунчиликка риоя этиш ҳолати бўйича тайёрланган маърузани қўллаб-қувватлаб, "Миллий тикланиш" ДП болаларга нисбатан ҳар қандай номақбул хатти-харажатларни кескин қоралашини, бу борадаги ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш, жамоатчилик назорати тадбирларида фаол қатнашиши лозимлигини таъкидлади.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзолари Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботи муҳокамасида партия электоратидан келиб чиқиб, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш йўналишида амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратди.

Таъкидланганидек, "ёшлар дафтари" орқали 74,3 минг нафар ёшнинг қўллаб-қувватлаш учун 216,1 млрд. сўм йўналтирилган. Ёшлар бандлиги дастури асосида 414,6 минг нафар ёш иш билан таъминланган.

Ўтган даврда 331 минг нафар хотин-қиз касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилган, 403 минг нафарига 22,7 трлн. сўм кредит ажратилган. "Аёллар дафтари"га киритилган 634,6 минг нафардан зиёд хотин-қизлар ишли бўлган.

Мунозаралар давомида аҳолини тиббий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 40 ёшдан ошган 9 млн. фуқаро юрак-қон томир касалликларини ҳамда 10 млн. аҳоли қандли диабет касалликларини бўйича скрининг текширувидан ўтказилгани таъкидланди.

— Фракция аъзоси йиғилишида 2025 йилги давлат дастурининг ижроси атрофича кўриб чиқилиб, ижобий баҳоланди, — дейди фракция аъзоси Гулнораҳон Абдувоҳидова. — Сабаби бугунги иқтисодий ҳаётимизда ўсиш ижтимоий йўналтирилган янгича мазмун касб этмоқда. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар эса адолат, ҳуқуқий давлат

ва фуқаролар манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу партияимиз электорати — ўқитувчилар, шифокорлар, ёшлар, хотин-қизлар ва ишчи-меҳнаткашлар манфаатларига тўлақонли мос келади.

Йиғилишида Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (Болалар омбудсмани)нинг маърузаси кўриб чиқилди.

Мунозаралар давомида фракция аъзолари томонидан болалар билан боғлиқ ишлар бўйича суд ва тергов амалиётида боланинг фикрини инобатга олиш



механизмларини кучайтириш, оилавий низоларда медиация ва психологик хизматларни кенг йўлга қўйиш бўйича зарур тавсиялар берилди.

Йиғилишида, шунингдек, ёнгин хавфсизлиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан "Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонунга, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Жиноят-процессуал ҳамда Жиноят кодексларига тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилмоқда.

Депутатлар қонун лойиҳаси ёнгинларнинг олдинчи олиш тизимини такомиллаштириш, инсон ҳаёти ва соғлигини ишончли ҳимоя қилиш, ёнгин хавфсизлиги бўйича аҳоли ва ташкилотлар масъулиятини янада кучайтиришга хизмат қилишини эътиборга олиб, уни қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари давлат дастури ижросини муҳокама қилиш жараёнида ўз электорати манфаатларига алоҳида ургу берди. Жумладан, ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар 180,3 трлн. сўмин ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 18,2 фоизга кўпайгани эътироф этилди.

Халқ вакиллари дастур ижроси бўйича соғлиқни сақлаш, мактабгача таълимга қамров қўрсаткичлари, бандлик ва камбағаллик йўналишларида амалга оширилган ишлар, яқунга етмай қолган масалалар бўйича масъулларга саволлар билан муурожаат қилди.

Хусусан, фракция аъзоси Дилбар Мамажонова бугунги кунда мактаб ёшига етган ногиронлиги бор болаларнинг 82 фоизи таълим жараёнларига қамраб олинганини қайд этиб, қолган болалар

қамрови бўйича Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги қандай ишлар қилинган ҳақида маълумот сўради.

Вазирлик масъулининг айтишича, уйда таълим олаётган болалар учун "yudatalim.uz" платформаси ишлаб чиқилган. Бугунги кунда мазкур платформа янада такомиллаштирилмоқда, онлайн ментор ва дарс жараёнлари мониторингини олиб бориш йўлга қўйилаётир.

Муҳокамадан сўнг Ҳуқумат ҳисоботи қўллаб-қувватланди.

далар чиқарилишини камайтириш бўйича чоралар кўриларгани айтилди.

Республикаимиз туман ва шаҳарларида "яшил боғлар" ва "яшил жамоат парклари" барпо этилган, "Соғлиқ сайр кўчалари", соғломлаштириш йўлаклари ташкил қилинган аҳолига қўлай табиий муҳит яратиш билан бирга, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантирмоқда.

Шунингдек, чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, замонавий мониторинг станцияларини ўрнатиш, ўрмонзорлар майдонини кенгайтириш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилгани таъкидланди.

Фракция аъзолари ҳисоботи муҳокама қилиш жараёнида "яшил" иқтисодиётни ривожлантириш, саноатда энергия самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш улушини кўпайтириш орқали уларни чуқур институционал ислохотлар билан уйғунлаштириш лозимлигини таъкидлади.

Муҳокама чоғида амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, қабул қилинган дастурий ҳужжатлар ижросининг сифат кўрсаткичларини баҳолаш, экологик натижаларнинг узоқ муддатли самарадорлигини таъминлаш ҳамда қайтарилган ишлар юзасидаги қўшимча кучайтириш масалалари юзасидан тақлифлар билдирилди.

Фракция аъзолари ҳисоботи муҳокама қилиш жараёнида "яшил" иқтисодиётни ривожлантириш, саноатда энергия самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш улушини кўпайтириш орқали уларни чуқур институционал ислохотлар билан уйғунлаштириш лозимлигини таъкидлади.

Муҳокама жараёнида болаларнинг таълим олиш, соғлиқни сақлаш, оилавий муҳитда яшаш ҳамда зўравонликдан ҳимояланиш ҳуқуқларини таъминлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар атрофича таҳлил қилинди, — дейди фракция аъзоси Наврўз Юсуфов. — Шундан келиб чиқиб, бола ҳуқуқларини таъминлаш йўналишида қонунчилик ижроси устидан парламент назоратини янада кучайтириш, мутасадди давлат органлари масъулиятини ошириш, айнаикса, болаларнинг экологик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соғлом ва хавфсиз муҳитда яшаш ҳуқуқини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги билдирилди.

Йиғилишида фракция аъзолари томонидан Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг маърузаси қўллаб-қувватланди.

Фракция йиғилишида кун тартибидан ўрин олган барча масала атрофича муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Шу йил якунига қадар Қорақалпоғистон Республикасида ишсизлик даражасини 4,2 фоиз, камбағалликни 3,2 фоизгача пасайтириш режалаштирилган.

Акс садо

Дўстлик ва инсонпарварликнинг олий намунаси

Тинчлик — энг олий нәмат. Глобал дунёнинг бугунги қиёфаси, турли минтақалардаги кескин вазиятлар бу нәмат қадри ва қиймати беқиёс даражада оширмоқда.



Давлатимиз раҳбари саммитдаги нутқида бу нуфузли тузилмада катнашиш Ўзбекистон учун нақадар аҳамиятли экани ҳақида тўхталиб, мамлакатимизнинг тинчлик ва инсонпарварлик тамойилларига асосланган муҳим ташаббусларини ифода этди.

Фазонинг ҳар қандай ташқи бошқарув механизми сектор аҳолисининг сўзсиз ички қўллаб-қувватлашига таяниши лозимлиги таъкидланиб, мувофиқлаштирилган сазъ-ҳаракатлар Фазони тез фурсатда қайта тиклаш учун зарур шарт-шароитларни яратишга, можадордан кейинги жараёнларни барқарорлаштиришга хизмат қилиши кайд этилди.

Айтиш мумкинки, айни шу жиҳат Ўзбекистоннинг жаҳонаро нуфузи ошишига, дўстлари сафи кенгайишига, мамлакатимиз дунёга бағрини очиб беришига кучли туртки берди.

Саммитдаги нутқда билдирилган "Ўзбекистон Фазо секторидан турархўйлар, болалар боччалари, мактаб ва касалхоналар барпо этишга имкон қадар ҳисса қўшишга тайёр" деган инсонпарвар ташаббус эса нафақат кенгаш иштирокчилари, балки халқаро миқёсда чукүр эътироф ва хайрхоҳчилик билан кутиб олинди.

Давлатимиз раҳбарининг Америка Қўшма Штатларига ташрифи доирасида бўлиб ўтган икки томонлама ҳужжатларни имзолаш ва қўшма лойиҳалар тақдимоти ўзаро ишонч ҳамда амалий ҳамкорликка асосланган янги босқични бошлаб берди, дейиш мумкин. Ававалги мулоқотларнинг мантиқий давоми бўлган ушбу муҳим урғулар янгилик ва самарали форматда иқтисодий шерикликни янада юксак даражага олиб чиқишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ташриф давомида энергетика, қишлоқ хўжалиги, минерал ресурслар, агросноат, молия бозори ва инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган муҳим ҳужжатлар имзоланган мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётига кучли туртки бериб, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини ва ишончли ҳамкор сифатидаги мавқеини янада мустаҳкамлайди.

Энг муҳими, сайёрамиздаги иқлим ўзгаришларидан келиб чиққан ҳолда, "ашил" энергетикани ривожлантириш, экологик ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қўшма лойиҳалар янги драйверларга эҳтиёж сезаётган АҚШ учун ҳам, қўлай иқлим шароитига, бой табиий ресурсларга эга Ўзбекистон учун ҳам бирдек манфаатли бўлиши, шубҳасиз. Сув ресурсларида тежамкор технологияларни кенг жорий қилиш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, муҳим минералларни қазиб олиш ва етказиб бериш икки мамлакат учун ҳам бугун долзарб аҳамият касб этади.

Президентимизнинг океанортига навбатдаги ташрифи Ўзбекистоннинг дунёдаги нуфузини яна бир янги даражага олиб чиқишда, дўстлик ва инсонпарварликка асосланган эзгулик нафасини кенг ёйиш ҳамда мамлакатимизнинг тараққиёт босқичида яна бир муҳим қадам бўлди.

Абдушукүр ҲАМЗАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари.

Омбудсман институти

САМАРАЛИ МУЛОҚОТ МЕХАНИЗМИ

Инсон ҳуқуқлари ва эришкликларини таъминлаш, шахс манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қонун устуворлигини қарор топтириш ҳар қандай демократик давлатнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган институционал механизм яратилишига катта эътибор қаратилган. МДХ давлатлари орасида Ўзбекистон биринчилардан бўлиб, 1995 йил 23 февраль куни Олий Мажлис ҳузурида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) институтига асос солиди.



